

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М**

2022 йил апрель ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шу суд раиси С.Холбатириковнинг раислигида, судья ёрдамчиси вазифасини бажарувчи А.Пулатовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси В.Мамадалиев, жабрланувчилар А.Мамадалиев ва Қ.Убайдуллаев, судланувчи Ж.Мурадовнинг иштирокида,

Мурадов Жахонгир Одилович (MURADOV JAXONGIR ODILOVICH), 1989 йил 22 апрелда Чортоқ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, “Наманган сув таъминоти” МЧЖ Чортоқ туман бўлимида тармоқлардаги носозликларни таъмирловчи чилангар, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2021 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45,59,61-моддалари тартибида 1 йил сувоқава ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмаган асосий жазоси 1 йил 5 ойни, қўшимча жазоси 6 ой 7 кунни ташкил қилади, Чортоқ тумани, “Мустақиллик” маҳалла, Камолот кўча, 2-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 24 февралдан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 2 мартда олганни,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланишга оид 1-1610-2201/89-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни



а н и қ л а д и:

Судланувчи Ж.Мурадов 2022 йилнинг февраль ойи бошларида А.Мамадалиевнинг темир дарвоза ишлаб чиқариш устахонасига ғайриқонуний равишда кириб, 1.200.000 сўмлик тиска, автомобиль двигатели блоги ҳамда темир сеткаларини яширин равишда талон-торож қилиб, ўғирлик йўли билан топилганини айтмасдан, А.Рахпаровга 220.000 сўмга сотиб юборган.

Судда сўралган Ж.Мурадов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йилнинг февраль ойи бошларида пул керак бўлиб қолгани сабабли А.Мамадалиевнинг темир дарвоза ишлаб чиқариш устахонасидан тиска, автомобиль двигатели блоги ва темир сеткаларни ўғирлаб чиқиб, ўғирлик йўли билан топилганини айтмасдан, А.Рахпаровга 220.000 сўмга сотиб юборгани, бир неча кундан сўнг яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келиб, ҳолат юзасидан тегишли хужжатларни расмийлаштиришгани, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ҳатосини тушуниб етгани, оилавий шароити оғирлиги, қайтиб бу ҳолат такрорланмаслигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ж.Мурадовнинг юқорида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, уларнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд муҳокамасида текширилган қўйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, жумладан:

- жабрланувчи А.Мамадалиевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йилнинг февраль ойи ўрталарида темир дарвоза ишлаб чиқариш устахонасидан бир дона тиска, автомобиль двигатели блоги ва темир сеткалари ўғирланганини билиб, ИИБга мурожаат қилгани, олиб борилган суриштирувлар натижасида ушбу ўғирликни Ж.Мурадов содир этгани ва А.Рахпаровга 220.000 сўмга сотиб юборганини билгани, дастлабки тергов жараёнида ўғирланган нарсалар қайтарилгани, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

- жабрланувчи Қ.Убайдуллаевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам темир олди-сотдиси билан шуғулланиши, 2022 йилнинг февраль ойи охирларида А.Рахпаров унга сотиладиган тиска ва темир сетка олиб келиб, ушбу буюмларини сотиши, ўзи эса мазкур буюмларни танишидан сотиб олганини айтгани учун ишонгани сабабли 300.000 сўмга сотиб олгани, 2-3 кундан сўнг А.Мамадалиев мазкур темир сеткани кўриб, ўзига тегишли эканини айтгани ва тиска ҳамда темир сеткани олиб кетгани, шундан сўнггина ушбу буюмлар А.Мамадалиевнинг устахонасидан ўғирлаб чиқилганини билгани, агарда ўғирлик йўли билан топилганини билганида сотиб олмагани бўлиши, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

шунингдек, судланувчининг қилмиш айби жиноят ишининг 3-варағидаги А.Мамадалиевни Чортоқ туман ИИБ бошлиғи номига ёзган



аризаси, 4-6-варақларидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, 18, 23-24, 63-варақларидаги нарсани олиш ва кўздан кечириш, 54-57-варақларидаги кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Мурадовнинг содир этган жиноятини, яъни А.Мамадалиевнинг темир дарвоза ишлаб чиқариш устахонасига ғайриқонуний равишда кириб, 1.200.000 сўмлик тиска, автомобиль блогги ва темир сеткани яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Ж.Мурадовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, Ж.Мурадовга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи Ж.Мурадовнинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, яъни унча оғир бўлмаган жиноятлар таснифига киришини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибда муқаддам туман судининг 2021 йил



15 октябрдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини қисман, сувоқава ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазонинг ўталмаган қисмини тўла қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари ва сувоқава ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилш жазоси тайинлашни;

жабрланувчилар А.Мамадалиев ва Қ.Убайдуллаевнинг етказилган зарар қоплангани, судланувчига нисбатан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризаларини инобатга олишни;

жиноят иши бўйича ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона тиска, автомобиль двигатели блогги ва темир сетка А.Мамадалиевга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни, жиноят ишига қўшилган бир дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и :

Мурадов Жахонгир Одилович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Мурадовга ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси,

ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 6 (олти) ой 7 (етти) кун сувоқава ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий асосларда ИИБ томонидан белгиланган жойларда рўйхатга олиниб ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш бошланган кундан ҳисоблаб ўтаттирилсин.

Ж.Мурадовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчилар А.Мамадалиев ва Қ.Убайдуллаевнинг етказилган зарар қоплангани, судланувчига нисбатан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризалари инобатга олинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона тиска, автомобиль двигатели блогги ва темир сетка А.Мамадалиевга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олинсин.



Жиноят ишига қўшилган бир дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, йигирма сутка ичида, маҳкум, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция шикояти ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи судья: (имзо) **С.Холбатилов**

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Чортоқ туман судининг раиси: **С.Холбатилов**

Ҳужжат имзоланган: Холбатилов Султонмахсуд Рафиқмирзаевич, 14.05.2022

